

**«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ № 3**

Умумий йиғилиш ўтказилган сана ва вақт: **2023 йил 22 ноябр соат 15:00**

Умумий йиғилиш ўтказилган жой: **Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси 61 уй «Тошкент механика заводи» АЖ рақамли конференциялар зали.**

«Тошкент механика заводи» АЖнинг (бундан кейин матнда жамият деб номланади) жами акциялари сони:

18 372 222 дона оддий акцияларни ташкил қилади.

Жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами акциялари сони:

18 372 222 дона оддий акцияларни ташкил қилади.

Умумий йиғилишда иштирок этаётган овозлар сони **17 246 929** дона

Умумий йиғилиш кворуми: **93,88 %**.

Йиғилиш раиси:

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б, «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси;

Йиғилиш котиби:

Мустафоев Жаҳонгир Илёскор ўғли- «Тошкент механика заводи» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи.

Йиғилишда иштирок этувчилар:

- **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Уставга асосан «Тошкент механика заводи» АЖнинг 16 410 001 дона оддий акциялар бўйича овоз беради.**

- **Бошқа акциядорлар - 836 928 дона оддий акциялар;**

- **«Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши аъзолари, жамият ижро органи аъзолари.**

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - **2023 йил 16 ноябр.**

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 77-моддаси ҳамда жамият уставига мувофиқ, кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар яъни йиғилиш кворуми ҳақида маълумот беришни сўраб санок комиссияси раиси Р. Т. Хайдаровга сўз берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси томонидан 2023 йил 16 ноябр ҳолатига шакллантирилган «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, «Тошкент механика заводи» АЖнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 18 372 222 дона оддий акциялар эканлиги, ундан 17 246 929 дона оддий акция эгалари бугунги йиғилишда иштирок этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги, бу жамият овоз берувчи акцияларининг 93,88 фоизини ташкил этишини, амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш кворуми тўпланганлиги, йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Х.Н. Хасилов йиғилишни очиқ деб эълон қилди. Мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни санок комиссиясини тасдиқланиши, йиғилиш президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва сайлаб олиниши зарурлигини айтди.

Жамият кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 31 октябрда тузилган **санок комиссиясини** қўйидаги таркибда тасдиқлаш бўйича таклиф этилди:

1. **Хайдаров Равшан Тулқунович** - капитал қурилиш бўлими етакчи мутахассиси.

2. **Умарова Гулнар Абдурахимовна** - техник назорат бюроси бошлиғи.

3. **Касимова Линара Рафаилевна** - акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими етакчи мутахассиси.

Тарафдорлар – 100 фоиз, Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш президиумга қўйидаги номзодларни таклиф этди:

1. **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович** - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б, «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси;

2. **Одилов Фаррух Баходирович** - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

3. **Кахаров Нодир Баходирович** - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

4. **Исоқов Зафар Зиннатуллоевич** - «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув раиси;

5. **Бозоров Эркин Сайфуллоевич** - «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;

6. **Хафизов Нормурод Кулдашович** - «Тошкент механика заводи» АЖ кадрлар бўлими бошлиғи.

Тарафдорлар – 100 фоиз, Қаршилар - йўқ, Бетарафлар - йўқ

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси этиб амалдаги конунчилик талабларига кўра кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини олиб бориш учун котибликка «Тошкент механика заводи» АЖнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Мустафоев Жахонгир Илёскор ўғли номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Сўз давомида Х.Н. Хасилов йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (10 дақиқа).

2. «Тошкент механика заводи» АЖ 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳамда «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисида, шунингдек «Тошкент механика заводи» АЖнинг янги тахридаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (10 дақиқа).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий Бошқармаси томонидан «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондига (устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига) берилган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй манзилида жойлашган 3,71 га ер майдони эвазига чиқарилаётган кўшимча оддий акцияларини жойлаштириш усулини белгилаш тўғрисида.

Учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (10 дақиқа).

4. «Тошкент механика заводи» АЖ ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва уни тасдиқлаш тўғрисида.

Тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти меҳнат ва маошни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Гулялиева Гуллола Маликжановна (10 дақиқа).

5. «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖ таъсисчилар сафидан чиқиш тўғрисида.

Бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли (10 дақиқа).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасига мувофиқ:

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 89,32 % акцияларига эгалик қиливчи «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 23 октябрдаги 01/3355-23-сонли хатида келтирилган тавсиясига биноан қуйидаги номзодлар кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга сайлаш учун таклиф қилинмоқда:

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б.

Маннонов Шохрухмирзо Абдурашид ўғли «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Одилов Фаррух Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ахмедов Сардорбек Хурматбекович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи в.б.

Саидов Равшан Ўринбаевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи в.б.

Қаршиев Олег Келдиярович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техника ва технология бошқармаси бошлиғи в.б.

Абдуллаев Баҳром Шарофхўжаевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Умаров Лазиз Сафарбоевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

Кахаров Нодир Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг уставига асосан Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив сайлов беришда акциядорлар ўз акциялар сонини жами номзодлар сонига кўпайтиради ҳам ўз номзодига ёки номзодларига овоз бермоқчи бўлган акциялар сонини киритади.

Кун тартибидаги 1-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б. Хасилов Хуснутдин Нуриддиновичга овоз берган акциялар сони - **19 052 171 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Маннонов Шохрухмирзо Абдурашид ўғлига овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилов Фаррух Баходировичга овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро ҳамкорлик ва ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи в.б. Ахмедов Сардорбек Хурматбековичга овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи в.б. Саидов Равшан Уринбаевич овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техника ва технология бошқармаси бошлиғи в.б. Қаршиев Олег Келдияровичга овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуллаев Бахром Шарофхўжаевичга овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Умаров Лазиз Сафарбоевичга овоз берган акциялар сони- **16 964 999 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ стратегик ривожланиш, саноат фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат муҳофазаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Кахаров Нодир Баходировичга овоз берган акциялар сони- **17 415 197 овоз** билан сайланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали ўғли сўзга чиқди.

«Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 12 октябрдаги йиғилишида жамият ижроия орган томонидан «Тошкент механика

заводи» акциядорлик жамияти 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритилди.

Киритилган таклифнинг асоси – «Тошкент механика заводи» АЖнинг ички аудит хизмати раҳбарининг 2023 йил 9 октябрдаги хулосаси.

Мазкур хулосасига кўра:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 266-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Евразия ТАПО Диск» МЧЖ устав фондидаги 40,49% улуши «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Тошкент механика заводи» АЖ устав фондидаги улушини камайтириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига топширилди.

Ушбу қарорнинг 3-иловасига асосан Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириладиган 40,49% улуш баланс қийматида 2 152 350 000 сўмни ташкил этади. Бироқ 2021 йил 4 ноябрдаги 1-сонли ҳисобварақ-фактурада 40,49% улуш яъни 2 152 350 000 сўм ва ҚҚС 322 852 500 сўм, жами 2 475 202 500 сўм миқдорига Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 243-моддасининг 17-бандида товарларни (хизматларни), агар товарларни бериш (хизматлар кўрсатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бепул амалга оширилса реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилиши белгиланган.

«Тошкент механика заводи» АЖнинг ички аудит хизмати раҳбарининг 2023 йил 9 октябрдаги хулосасига кўра юқоридаги қарор ва қонунга асосан ҳисобварақ-фактурада Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириладиган 40,49 фоиз улуш, яъни 2 152 350 000 сўмга ҚҚС кўшилмаслиги керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 3 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида берган топшириғига асосан жамият ижроия органи томонидан «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси истикболли лойиҳалар миллий агентлигига 2023 йил 5 октябрда давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар

чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ҳақида аризасини қайтариб олиш тўғрисида муурожаат юборилди.

Тайёрланган хужжатларга мувофиқ «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди 107 883 624 000 сўмдан 73 812 124 000 сўмгача камайтиради.

Шунда Тошкент шаҳар ҳокимлигига топширилган 31 919 147 376,20 сўмлик бино-иншоотлар ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган «EVRO-OSIYO TAPODISK» МЧЖ устав фондидаги 2 152 350 000 сўмлик 40,49 фоиз улуши ҳисобга олганда жамият акцияларининг умумий сонини қисқариши қўйидагича:

$$31\,919\,147\,376,20 + 2\,152\,350\,000 = 34\,071\,497\,376,2 \text{ сўм}$$

$$34\,071\,497\,376,2 \text{ сўм} / 4\,000 \text{ сўм (акциянинг номинал қиймати)} = 8\,517\,874,34 \text{ дона акциялар}$$

8 517 875 дона – умумий камайтириладиган акциялар сони

34 071 500 000 – камайтириладиган акцияларнинг умумий суммаси

$$34\,071\,497\,376,2 - 34\,071\,500\,000 = 2\,623,8 \text{ сўм (қолдик)}$$

«Тошкент механика заводи» АЖнинг янги таҳридаги Устави лойиҳасида жамият устав фондини камайтиришга оид ўзгартиришлар қайд этилди.

Қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида «Тошкент механика заводи» АЖ 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳамда «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек «Тошкент механика заводи» АЖнинг янги таҳридаги Уставини тасдиқлаш таклиф киритилди.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 728 953 овоз, Қарши- 281 930 овоз, Бетараф- 236 046 овоз

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 февралдаги 5/1-3365-сон топшириғига асосан:

«Тошкент механика заводи» АЖнинг «Технопарк» МЧЖга топширилган 4,31 га ер майдонини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун жамият балансига қайтариш белгиланган;

Тошкент шаҳар ҳокимлигига Кадастр агентлиги билан биргаликда таклиф этилаётган ер майдонлари чегараларига аниқлик киритиб, автомобил йўлига туташ қисмини ободонлаштириш ҳудуди сифатида ҳокимлик

захирасига олинисини ҳамда қолган қисмини “Тошкент механика заводи” АЖ устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига бериш учун Давактив агентлигига ўтказилишини таъминлаш белгиланган.

Шунга кўра, ер майдонлари чегараларига аниқлик киритиш натижасида 4,31 га ер майдонидан 3,71 га ер майдонини “Тошкент механика заводи” АЖга қайтариш бўйича далолатнома тузилган.

Ўз навбатида, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2023 йил 22 апрелдаги 13-2-сон йиғилиш баёни (2023 йил 3 майдаги ВМ-240 рўйхат рақами) 2.9-бандида:

Кадастр агентлигига бир ҳафта муддатда Яшнобод тумани Элбек кўчаси, 61-уй манзилида жойлашган 3,71 га ер майдонини «Тошкент механика заводи» АЖ номига ўтказиш бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштирилишини таъминлаш белгиланган;

Давактив агентлигига 3,71 га ер майдонининг баҳоланган қиймати ҳисобига «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш чораларини кўриш вазифаси топширилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғининг 2023 йил 19 майдаги 28-сонли буйруғига асосан:

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй манзилида жойлашган 3,71 га ер майдони (кейинги ўринларда - Объект)ни «Тошкент механика заводи» АЖ (кейинги ўринларда - Жамият)нинг устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилиши белгиланган;

Объект «DINVEST CONSULT» МЧЖ баҳолаш ташкилоти томонидан 2023-йил 17-майдаги 17/05-6-сон баҳолаш ҳисоботига асосан 41 606 368 000,0 (қирқ бир миллиард олти юз олти миллион уч юз олтимиш саккиз минг) сўмга баҳоланган ҳамда «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилган.

«Тошкент механика заводи» АЖ объектнинг кадастр ҳужжатларини жамият номига қайта расмийлаштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси ҳамда «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги Қонунининг 42-моддаси талабларига асосан жамиятнинг устав фондини кўпайтириш чораларини кўриш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий Бошқармаси томонидан «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондига (устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига) берилган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй

манзилида жойлашган 3,71 га ер майдони эвазига чиқарилаётган кўшимча оддий акцияларини жойлаштириш усулини белгилаш таклиф этилди.

Шунда чиқарилаётган кўшимча оддий акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 728 953 овоз, Қарши- 517 976 овоз, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти меҳнат ва маошни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Гулялиева Гуллола Маликжановна сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига ташкилий тузилмани тасдиқлаш масаласи киради.

Кузатув кенгашига бевосита бўйсунган ҳолда Коррупцияга қарши кураш ички назорат жорий этилган.

«Тошкент механика заводи» АЖ фаолияти билан боғлиқ турли масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш учун Жамиятнинг ташкилий тузилмасига қуйидаги бўлимлар бўйсунган ҳолда Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозими киритилди:

- 158-бўлим
- стратегик ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик муносабатлар хизмати
- маъмурий-хужалик бўлими(264)
- «Медиа-марказ бўлими»(310)
- иқтисодиёт хизмати бошлиғи

Жамиятнинг молиявий-иқтисодий бўлинмалари самарадорлигини назорат қилиш мақсадида Жамиятнинг ташкилий тузилмасига қуйидаги бўлимлар бўйсунган ҳолда иқтисодиёт хизмати бошлиғи лавозими жорий этилди:

- мехнат ва маошни ташкиллаштириш бўлими (63)
- режа-иқтисод бўлими (85)
- акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими (190)
- ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш бўлими (400)
- архив маълумотномалари бўлими (307)
- ахборот технологияларини ривожлантириш бўлими (56)

«Тошкент механика заводи» АЖнинг ишлаб чиқариш - ижтимоий ҳаётини ёритиш учун Медиа-марказ бўлими ташкил этилди.

Жамиятнинг бўлинмалари фаолиятини оптималлаштириш ва Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва техник фаолиятини энг самарали тартибга солиш мақсадида тижорат директори лавозими бекор қилинди, техник директор лавозими жорий этилд

и ва унга қуйидаги бўлинмалар бўйсунди:

- бош конструктор бўлими (46)
- бош технолог бўлими (73)
- бош метролог бўлими (51)

-стапел, плаз-шаблонли ускуналарни механизациялаш воситалари ва стендлари цехи (11)

Қирғизистон Республикасида жойлашган «Марказий Осиё олтин кумлари» МЧЖ пансионати «Тошкент механика заводи» АЖнинг ташкилий тузилмасига киритилди.

Экспорт, маркетинг, логистика ва божхона юқларини расмийлаштириш хизмати Бош директорига бевосита бўйсунган ҳолда маркетинг, логистика ва экспорт хизматига (145) ўзгартирилди.

Маъмурий-хўжалик хизмати ва «ишчи овқатланиш бўлими» ҳам тугатилди.

«Фавкулотда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўлими» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси бўлими» ягона «Меҳнат ва фуқаро муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўлими»га бирлаштирилди.

Молия директори ва Молия директори ўринбосари лавозимлари бекор қилинди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш бозорини кенгайтириш ва катта талабга эга бўлган янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ички савдо хизмати (117) унга бўйсундирган ҳолда маркетинг ва сотувларини ривожлантириш бўйича директор лавозими жорий этилди.

Юқоридагиларга асосланиб, жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш таклиф қилинди:

Кун тартибидаги 4-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 728 953 овоз, Қарши- 517 976 овоз, Бетараф- йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи ўринбосари Давлатов Санжарбек Лочинали сўз бошлади.

«Steel Special Decor» МЧЖ томонидан 2023 йил 4 сентябрдаги 44-сонли хатига асосан, «Steel Property Construction» МЧЖдаги «Тошкент механика заводи» АЖнинг улушини сотиб олиш бўйича таклифи келиб тушган.

2023 йил 5 октябрдаги «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши йиғилишининг (11-сонли баённома) қарори билан «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖ таъсисчилар сафидан чиқиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган. Мустақил баҳолаш ташқилоти томонидан ўрнатилган тартибда «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖ устав капиталидаги барча улушининг бозор қиймати баҳолаш белгиланган. Ҳамда улушнинг бозор қийматини баҳолаш ва уни сотиш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштириш белгиланган.

“Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 20 моддасига асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга “Тошкент механика заводи” АЖнинг “Steel Property Construction” МЧЖ

устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини реализация қилиш бўйича 2023 йил 6 октябрда №Д-761 сонли хат юборилган.

2023 йил 26 октябрдаги № 01/3431-23 сонли хат билан “Тошкент механика заводи” АЖнинг “Steel Property Construction” МЧЖ устав капиталидаги улушни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан сотиб олиш имконияти мавжуд эмаслиги билдирилган. (Маълумот учун, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Steel Property Construction” МЧЖнинг таъсисчиларидан бири ҳисобланади).

«Steel Special Decor» МЧЖнинг 2023 йил 4 сентябрдаги 44-сонли хатида “Тошкент механика заводи” АЖнинг “Steel Property Construction” МЧЖ устав капиталидаги барча улушини сотиб олиш таклифига ҳамда “Маъсулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 20 моддасига асосланиб, «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бошқарув раиси З.З. Исоқов «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖ таъсисчилар сафидан чиқиш ҳамда Тошкент механика заводи” АЖнинг “Steel Property Construction” МЧЖ устав капиталидаги 15,43% улушини «Steel Special Decor» МЧЖга пул ва мулк эвазига реализация қилиш масаласи таклиф қилинди.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

Тарафдор- 16 728 953 овоз, Қарши- 281 930 овоз, Бетараф- 236 046

Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Овоз бериш натижаларига кўра қуйидагилар кузатув кенгаши аъзолигига сайланди:

Хасилов Хуснутдин
Нуриддинович
Маннонов Шохрухмирзо
Абдурашид ўғли

Одилов Фаррух
Баходирович

Ахмедов Сардорбек
Хурматбекович

Саидов Равшан
Уринбаевич
Қаршиев Олег
Келдиярович

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
бошқарув раиси ўринбосари в.б.
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш
бошқармаси бошлиғи ўринбосари
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар бошқармаси бошлиғи
ўринбосари
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро
хамкорлик ва ташқи иқтисодий алоқалар
бошқармаси бошлиғи в.б.
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагон
хўжалиги бошқармаси бошлиғи в.б.
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техника
ва технология бошқармаси бошлиғи в.б.

Абдуллаев Бахром
Шарофхўжаевич
Умаров Лазиз
Сафарбоевич

Кахаров Нодир
Баходирович

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия
бошқармаси бошлиғи ўринбосари
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик
бошқармаси бошлиғи биринчи
ўринбосари
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
стратегик ривожланиш, саноат
фаолиятини ташкил этиш ва меҳнат
муҳофазаси бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

2.2.1.«Тошкент механика заводи» АЖ 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги «Тошкент механика заводи» АЖ ҳудудида янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини жадаллаштиришнинг кўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 266-сонли қарорлари ижросидан келиб чиқиб «Тошкент механика заводи» АЖнинг активларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилиши муносабати билан «Тошкент механика заводи» АЖ устав фондидаги 34 071 500 000 сўмлик 8 517 875 дона оддий акциялар миқдорида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг улушини камайтириш ҳисобига акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди 107 883 624 000 сўмдан 73 812 124 000 сўмгача камайтирилсин.

Ўтказилган активларнинг баланс қиймати ва бир акциянинг номинал қийматидан кам бўлган 2623,8 сўм миқдоридаги камайтирилган акцияларнинг номинал қиймати ўртасида шаклланган каср баланси акцияларнинг кейинги кўшимча чиқарилишида ҳисобга олинсин.

«Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди 73 812 124 000 сўм миқдорида, номинал қиймати 4000 сўм бўлган 18 453 031 дона оддий акцияларга бўлинган ҳолда тасдиқлансин.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг депо ҳисобварағидан «Тошкент механика заводи» АЖ ҳисобварағига қисқартилиши лозим бўлган 8 517 875 дона оддий акцияларни ўтказилиб, белгиланган тартибда бекор қилган ҳолда умумий акциялар сони қисқартирилсин.

2.3.«Тошкент механика заводи» АЖнинг янги таҳридаги Устави тасдиқлансин.

«Тошкент механика заводи» АЖ 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган «Тошкент механика заводи» АЖнинг янги таҳридаги Устави ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий Бошқармаси томонидан «Тошкент механика

заводи» АЖнинг устав фондига (устав капиталидаги давлат улушини ошириш хисобига) берилган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй манзилида жойлашган 3,71 га ер майдони эвазига чиқарилаётган кўшимча оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилсин.

4. «Тошкент механика заводи» АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

5. 5.1. 2023 йил 5 октябрдаги «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖ таъсисчилар сафидан чиқиш тўғрисидаги «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши йиғилишининг (11-сонли баённома) қарори тасдиқлансин.

5.2. «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖдаги 15,43% улушини «Steel Special Decor» МЧЖга пул ва мол-мулк эвазига реализация қилишга розилик берилсин.

5.3. 5.2. банд ижросини таъминлаш ваколати «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув органига юклатилсин.

5.4. «Тошкент механика заводи» АЖнинг «Steel Property Construction» МЧЖдаги 15,43 % улушини реализация қилиш билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштириш «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув раисига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

Х.Н. Хасилов

Йиғилиш котиби:

Ж.И. Мустафоев

Ушбу баённома 2023-йил 24-ноябрда икки нусхада тузилди.